БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 103 (4350).

26 МАЙ СЕШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XVI съездининг делегатларига, комсомолларга, коммунизмнинг барча ёш бинокорларига қизғин салом йўллайди.

ВЛКСМнинг XVI съезди Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллиги чорағои қилган шонли бир даврда ўтмоқда. Ленин юбилейининг байрам қилиниши ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг зафарбахш таълимоти — марксизм-ленинизм ғоялари тантанасининг қудратли намойишига айланиб кетди. Ленининг барҳаёт иоми, Ленин ҳаётининг улуғ жасорати, Ленининг порлоқ даҳоси совет ёшлари учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ленин ғоялари ва ташкилий принциплари негизида барпо этилган ВЛКСМ совет ёшларининг жанговар авангарди бўлиб келмоқда, йигит ва қизларнинг кенг оммасини коммунистик партия теварагига жипслаштирмоқда, ишчилар синфининг иши учун, меҳнаткаш халқ саодати учун матонатли, ғоявий чиниққан, актив курашчиларни тарбиялаб вояга етказишда партияга ёрдам бермоқда. Коммунистик партия ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини ўзининг ишончли резерви ва жанговар ёрдамчиси деб ҳақли равишда ҳисоблайди.

Бутун совет халқи қатори комсомол ва ёшлар ҳам юбилей йилини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Завод ва фабрикаларда, шахта ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий лабораториялар ва ўқув юртларида ёшлар ўзларининг Ленин васиятларига содиқ эканликларини, халқ хўжалигида фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини кенг қўламда жорий этишга ва ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланишга сафарбар этиш комсомолнинг энг муҳим ишидир. Совет ёшларининг меҳнат, илм-фан ва ижодкорлик соҳасида ташаббус кўрсатиши учун янги имкониятлар очилмоқда.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ВЛКСМнинг роли жуда катта. Ҳозир коммунистик партия сафларига кираётганларнинг кўпчилиги Ленин комсомоли муносиб равишда тарбиялаб вояга етказган кишилардир. Коммунистик Ёшлар Союзи Ленин кўрсатмасини бажара бориб, бундан буён ҳам «Ўзининг амалий фаолиятини шундай тарзда қуриши керакки, унинг аъзолари ўқиб-ўрганиб, уюшиб, жипслашиб, курашиб» ўзларини коммунистлар қилиб тарбиялайдиган бўлсинлар.

КПСС Марказий Комитети комсомолларни, барча йигит ва қизларни шунга даъват қиладики:

Бунёдкорлик ишида, социалистик мусобақада тенг ҳам активроқ қатнашингиз, ўз меҳнатингиз билан жамиятга имкони борича кўпроқ фойда келтиринглар, ҳамма янги, илғор ташаббуслар учун курашингиз, халқ мулкини авайлаб сақлангиз, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши кескин курашингиз, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамланглар.

Коммунизмни қунт билан ўрганингиз, ўз хотирангизни инсоният вужудга келтирган ҳамма билимлар бойлиги билан тўлдиринглар, мунтазам марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиринглар, ўз билимингиз, ўқишингиз ва таълимингизни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб боринглар, коммунистик ахлоқни қарор топтиринглар.

Ленин васиятини муқаддас билиб бажо келтириб, ўзингизни меҳнат қилишгагина эмас, мудофаага ҳам тайёрланглар, ҳарбий билимларни эгалланглар, ҳамиша ҳушёр бўлиб турингиз, Улуғ Октябрь ғалабаларини кўз қорачиғидай асранглар, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини, совет армияси билан ҳарбий денгиз флотининг жанговар қудратини ҳар томонлама мустаҳкамланглар.

СССР халқларининг қардошларча дўстлигини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини тинимсиз мустаҳкамланглар, эътиқодли интернационалчилар бўлингиз, дунёдаги тараққийпарвар ёшларнинг, ҳамма меҳнаткашларнинг ҳар қандай турдаги золимларга ва эксплуататорларга қарши курашида уларнинг содиқ дўстлари бўлингиз.

Ўз сафларида интизом ва уюшқоқликни, ҳар бир комсомол коллективининг ташаббуси ва жанговарлигини доимо ошириш, ҳамма ёшларга коммунистик таъсирни тағин ҳам кучайтириш, уларни ленинча яшаш, ишлаш ва курашишга ўргатиш—комсомолнинг энг муҳим вазифасидир. Ленинча иш услубини ўрганингиз, бошланган ишни ҳамиша охирига етказингиз, ёшлар союзидаги ишлар учун ВЛКСМ ҳар бир аъзосининг юксак масъулият туйғусини тарбиланглиз. Комсомол В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг ишига кўпроқ эътибор бериш керак. Комсомол пионер ташкилотининг раҳбаридир, зотан у пионерларда ва мактаб ўқувчиларида меҳнатсеварлик туйғусини, яхши ўқишга, ўз ватанига садоқатли бўлишига интилишни тарбиялаши лозим.

Партия ёшларни жамият ва давлат ишларини идора қилишга кенг қўламда жалб этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Совет халқи СССР Олий Советига бўладиган сайловга тайёргарлик кўраётган ҳозирги вақтда кўпгина комсомоллар, йигит ва қизлар депутатликка номзод қилиб кўрсатилди. КПСС Марказий Комитети комил ишонч билан айтадики, комсомоллар ва ёшлар сайловда актив қатнашиб, коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки учун коммунистик партия билан совет ҳукуматининг сиёсати учун, ватанимизнинг янада равнақ топиши учун овоз берадилар.

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида совет халқи олдида янги-янги катта ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлмоқда.

Совет ёшлари ва уларнинг илғор отряди — Ленин комсомоли бундан буён ҳам янги жамият биноқорларининг олдинги сафларида бўладилар, меҳнатда ажойиб зафарларга эришиб, севикли ватан шуҳратини оширадилар, коммунизм, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг тарихий вазифаларини ҳал этишда партиянинг актив ёрдамчилари бўладилар. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Яшасин шонли Ленин комсомоли!

Яшасин совет ёшлари!

Кўп миллатли улуғ ватанимиз-Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи яшай берсин ва гуллаб-яшнайверсин!

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ



БУГУН Москвада ВЛКСМнинг XVI съезди ўз ишини бошлайди. Барча қатори «оқ олтин» дйёрининг қалби олов ёшлари ҳам бу улкан анжуманни меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқдалар. Ушбу суратда сиз республикамизнинг бир группа пешқадам ёшларини кўриб турибсиз. Улар комсомол съездига делегат қилиб сайланганлар.

В. СИРОТКИН ва И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ

Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик ёшлар Союзининг XVI съезди очилади. Бу катта анжуман тарихий кунларда—совет халқи, прогрессив инсоният улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг табаррук юз йиллик юбилейи тантаналари давом этаётган, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ижодий ва яратувчилик меҳнати жўш ураётган, улуғвор беш йиллигимизнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш учун қизғин кураш бораётган, Ватанимиз бўйлаб давлат ҳокимиятининг олий органи—СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилган кунларда ўтмоқда.

Комсомол ўзининг ташкилий давридан то ҳозиргача Коммунистик партия ишига, Ленин васиятларига, халқимиз ва Ватанимиз ишига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Унинг бутун тарихи, кураш ва яратувчилик ишлари, ҳар кунги кўкқирарали, ранг-баранг фаолияти партиямиз амалга ошираётган снёсий-хўжалик вазифалари билан, коммунистик қурилишнинг улкан программалари билан чамбарчас боғлангандир. 23 миллиондан ортиқ йигит ва қизни ўз сафига бирлаштирган Ленин комсомоли ва у бошчилик қилаётган шонли совет ёшлари жамиятимизнинг актив яратувчи кучидир. Партиямиз комсомолни совет ёшларининг жанговар авангарди, ўзининг ишончли резерви деб билади. Жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётининг барча даври ва босқичларида комсомол Коммунистик партия кетидан бориб, унинг содиқ ва ишонли ёрдамчиси бўлиб келаётир.

— Комсомоллар, совет йигитлари ва қизлари,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездига ҳисобот докладида,— халқ ва давлат тақдирига юксак масъулият ва онгилик билан қарамоқдалар. Авлодларнинг давомийлиги, революцион традицияларнинг қудратли кучи ёшларнинг амалий ишларида, уларнинг юксак ғоявий интилишларида ёркин намоён бўлмоқда. Гигант электростанциялар ва темир йўл магистралларини, янги шаҳарларни қурган, қўриқ ерларни забт этган, космосни биринчи бўлиб ўзлаштираётган ёшларнинг меҳнат шижоатлари Совет Ватани тарихига ажойиб саҳифалар ёзди. Йиллар ўтар, ўшанда ҳам бизнинг авлодларимиз ҳозирги бўғинларнинг қаҳрамонлигини, социалистик идеалларни ер юзида барқарор қилиш учун олиб борилган курашда уларнинг буюк мақсадга интилганликларини шуҳратлай берадилар.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Бизнинг истагимиз шуки, улар революцияларимиз бўлган замонларнинг бир-бирига боғлиқ эканлигини муттасил ҳис қилиб турадиган, турмушни бутун сермазмунлиги ва мураккаблиги билан идрок қилишни ўрганадиган, коммунизм қуриш учун ўз роллари ва масъулиятларини англайдиган бўлсинлар. Революцион романтика—меҳнат шижоатлари романтикаси, инсоний олижаноблик, юксак маънавий идеаллар романтикаси, душманнинг ҳар қандай ҳамлаларидан Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш совет ёшларига хос хислатлардир.

Областимизнинг кўптармоқли, хилма-хил, ҳамиша қайноқ ҳаётида, ҳар соҳада, ҳар участкада комсомол партиянинг энг яқин ёрдамчиси сифатида меҳнат қилмоқда. Янги шаҳарларни бунёд этаётганлар, гигант корхоналарни яратаётганлар, янги ерлар очиб, боғу-бўстон қилаётганлар, осмонўпар биноларни қураётганлар, моддий бойлик яратаётганлар сафида энг илғор ва авангард, элу юрт ҳурматига сазовор бўлаётганлар ўтюракли, оташ қалб комсомоллар, йигит ва қизлардир. Областимиз комсомоллари ва ёшлари Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Бекобод, Янгиобод ва бошқа шаҳарларда бунёд этилаётган саноат объектларида актив қатнашиб, меҳнатда мардлик ва жасорат кўрсатмоқдалар. Комсомоллар ва ёшлар қишлоқ хўжалигида биринчи бўлиб машиналар рулига ўтириб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда, сабзавот, дон ва бошқа деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини мул-кўл қилишда ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Комсомол ташкилотлари ёш авлодни коммунистик анъаналар руҳида, Ватанга, партия ва халқ ишига садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялашда, ватанпарвар, интернационал авлодни вояга етказишда партиямизнинг актив ёрдамчиси бўлиб келмоқда.

Партиямиз, совет халқи ёшларининг ижодий кучларига катта баҳо бермоқдалар. Ёшлар эса партия ва ҳукуматимизнинг ҳамма чақириқларига доимо «лаббай» деб жавоб бериб келмоқдалар. Лекин шу билан бирга ҳаёт, коммунистик қурилиш вазифалари комсомол фаолиятининг бутун мазмунига, ёшлар орасида олиб борилаётган ишларнинг ҳаммасига юксак талаблар қўймоқда. Шу нарсани унутмаслик керакки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмиси ёши йигирма олтига етмаган кишилардир. Образли қилиб айтганда, мамлакатимиз ёшлар мамлакатидир. Шу сабабли партия, комсомол ва бошқа барча ташкилотларнинг ёшлар тарбиясига диққат ва эътиборини кучайтириш ғоят муҳим вазифадир. Ёшлар ўртасида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларнинг савиясини ошириш, ўсиб келаётган авлоднинг марксча-ленинча онгини камол топтириш, уларни турмушнинг ҳамма соҳаларига синфий нуқтаи назардан қарашга ўргатиш, партия ишига садоқат руҳида тарбиялаш, социализм ғалабаларини мустаҳкамлаш, буржуа идеологияси ва ахлоқининг таъсирига қарши кураш, тарбиявий ишларнинг формалари ва методларини такомиллаштириш, пионер ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, комсомол ва ёшларнинг мамлакатимиз сиёсий-хўжалик ишларида актив иштирок этишини таъминлаш комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Шуни эътироф қилиш керакки, ёшлар орасида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларда ҳали жиддий камчиликлар бор. Баъзи ёшлар революцион кураш ва чиниқишнинг машаққатли мактабини ўтмаганлар. Улар жўшқин ҳаётни четлаб ўтмоқчи бўладилар, давлатдан кўп нарсани талаб қиладилар-у, лекин жамият олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчларини унутиб қўймоқдалар. Комсомол ташкилотлари ёшлардаги айрим хатти-ҳаракатларга, уларнинг хулқ-атворидаги нўрин кўринишларга қатъий зарба беришлари, ёш авлодни меҳнатга муҳаббат, катталарга ҳурмат, ота-оналар меҳнатини қадрлаш руҳида тарбиялашлари лозим. Партия ташкилотлари комсомол ташкилотларига яқиндан раҳбарлик қилиб, уларнинг фаолиятини янада ошириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. Замонамизга муносиб ёшларни, довюрак, улуғ ишимиз учун курашувчи фидокор кишиларни, замонамизнинг намуналн, олижаноб кишиларини ўстирайлик.

Ленин комсомолига, партиямизнинг содиқ, жанговар резерви, энг яқин ёрдамчиси—ленинчи авлодга шон-шарафлар бўлсин!

Бугун Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVI съезди очилади

Ўзбекистон индустриясининг янги муваффақияти

Республика саноат корхоналари юбилей олди Ленин вахтасида эришилган муваффақиятларни ривожлантира бориб, ишлаб чиқариш суръатларини ўстирмоқдалар, янги резервларни ишга солмоқдалар, халқ хўжалигида иқтисодий тежашни кучайтирмоқдалар. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари беш йиллик топшириқларини шу йилнинг 7 ноябригача бажаришга қарор қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ташаббуснинг ташаббускорлари Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида тобора кўпайиб бормоқда.

План ва зиммадаги мажбуриятларни барвақт бажариш учун кенг кулоч ёйган мусобақа Ўзбекистон ишчилар синфи, техника зиёлиларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлидаги интилишлари тобора ўсиб бораётганлигининг далилидир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармасининг маълум қилишича, республика саноатининг ходимлари беш йилликнинг якунловчи йили—1970 йил планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва бир қанча жуда муҳим буюмлар ишлаб чиқариш беш ойлик топшириғини муддатидан илгари—25 майда бажариб қўйдилар.

5 ойлик планга қўшимча неча ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. (ЎзТАГ).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 майда Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг X пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ВЛКСМнинг XVI съездида қуйидаги кун тартибини муҳокама қилишни таклиф этди:

ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва комсомолнинг ёшларни Ленин васиятлари руҳида тарбиялаш соҳасидаги вазифалари. (докладчи — ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников).

ВЛКСМ Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи. (докладчи — ВЛКСМ марказий ревизия комиссиясининг раиси В. Т. Иванов).

ВЛКСМ марказий органларини сайлаш.

Пленум ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол XVI съездига ҳисоботини қараб чиқди. Бу масала юзасидан ВЛКСМ Марказий комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников доклад қилди.

Пленум комсомол Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XVI съездига ҳисобот докладини якдиллик билан тасдиқлади.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЯКДИЛЛИГИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловга зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари ўз нутқларида шу ҳақда гапирмоқдалар. Депутатликка номзодлар ўз сайловчилари билан учрашаётган ана шу йиғилишларда уларга наказлар берилмоқда.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 121-Янгийўл сайлов округининг меҳнаткашлари депутатликка номзод — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба-намуна совхозининг звено бошлиғи Анвар Алиев билан учрашдилар.

624 — Ангрен сайлов округи меҳнаткашлари Ангрен ГРЭСи энергетикларининг клубига тўпланиб СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи шу округдан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Владимир Григорьевич Ломоносов билан учрашдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги 117-Ангрен сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Миллатлар Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатилган Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Мирзамаҳмуд Мирзарахмонович Мусахонов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Чирчиқ электр-химия комбинати химикларининг саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 627—Чирчиқ сайлов округи меҳнаткашлари депутатликка номзод-Қизил байроқли Туркистон харбий округи кўшинларининг қўмондони генерал-полковник Степан Ефимович Белоножко билан учрашдилар.

Депутатликка кўрсатилган номзодлар ўз нутқларида кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга қизғин миннатдорчилик билдирдилар, бу ишончни шараф билан оқлаймиз деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун—районларнинг номи, иккинчи стун—бир кунлик ўсиш, учинчи стун—мавсум бошидан бери.

Янгийўл	10,0	69,0	Бўка	10,1	27,8
Калинин	11,4	54,6	Оржоникидзе	8,4	23,1
Бекобод	7,7	42,5	Юқори Чирчиқ	4,3	7,3
Оққўрғон	9,6	39,0	Бўстонлик	2,2	2,7
Ўрта Чирчиқ	8,6	33,2	Область бўйича:	8,7	37,4

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

ТУЙИТЕПА, (телефон орқали олинди). Деҳқон биринчи ҳосил — пилла тайёрлаш планини бажарса, ғоят қувонади. Чунки унинг бундан кейинги муваффақиятларига бу қувват бағишлайди. «Коммунизм» колхозининг аъзолари ҳам ана шу ғайрат билан бугунги кунда ғўза парваришини давом эттирмоқдалар. Уларнинг бу ғайратига пилла тайёрлаш планининг муддатидан илгари адо этилганлиги сабаб бўлмоқда.

Колхоз пиллачилари плайдаги 3700 килограмм ўрнига 3737 килограмм «қумуш тола» сотдилар. Яна 600 килограмм пилла топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатга қўплаб пилла етказиб беришда Ҳалима Турғунбоева, Тамара Алимова, Жамила Испандиева каби звено аъзолари алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Ҳалима Турғунбоева бир қути қурт уруғдан 129 килограмм пилла териб олди. Тамара, Жамилалар ҳам социалистик мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли, А. Икромов номли, «Партия XXII съезди» колхозлари ҳам пилла тайёрлаш планини эртароқдан бажариш ҳаракатидалар.

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ

КОМСОМОЛЛАР — ЎТ ЮРАКЛАР

Барча совет кишилари қатори фабрикамиз меҳнаткашлари ҳам доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллик юбилейини ажойиб ютуқлар билан кутиб олдилар.

Фабрикамизда беш йилликнинг тўртинчи йили плани муддатидан олдин шараф билан адо этилган эди. Планга қўшимча равишда 98,2 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди. Беш йиллик бошидан эса қўшимча тайёрланган маҳсулот 460 минг жуфтни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича белгиланган топшириқлар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш 1,3 процент, меҳнат унумдорлиги 3 процент ошди. Кўзланганидан 200 минг ортиқ пойафзал планга қўшимча равишда 510 минг жуфт оёқ-кийими ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Йил давомида кўплаб хомашё тежаб қолинади, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилади.

Фабрика партия комитети ёшларда коммунизм ишига садоқат, меҳнатга муҳаббат, тежамкорлик ҳиссларини тарбиялашга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ёш ишчи корхона остонасига қадам қўйиши биланоқ унда шундай қўниқмалар ҳосил қилинади. Ҳар бир ёш ишчи дастлабки кунданоқ тажрибали, кўпни кўрган ишчиларга бириктириб қўйилади. Улар ўз тажрибаларини, билим ва маҳоратларини сменадошлари онгига сингдириб борадилар. 16 ёшга тўлган ўспиринларга паспорт, комсомол билетини топшириш, биринчи маошни тақдим этиш тантанали вазиятда ўтади.

Ёшларда оталар ишига садоқат ҳиссини тарбиялаш мақсадида тез-тез кекса коммунистлар билан комсомоллар учрашувларини уюштириб турибмиз. Бундай учрашувларга фабрикада узоқ йиллар ишлаб кетган меҳнат ветеранлари, граждан уруши қатнашчиси, Чапаевнинг сафдоши А. Саричев ўртоқлар билан бўлган учрашув айниқса мазмунли ва таъсирли бўлди.

Фабрикамизнинг уч цехи ўз бошланғич комсомол ташкилотига эга. Улар иш методлари ва услубларини йил сайин такомиллаштириб бормоқдалар. Ҳозир фабрикамиз комсомол ташкилоти сафига 406 ёш бирлашган. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришда намуна кўрсатиш билан бирга кечки ишчи-ёшлар мактаби, техникум ва институтларда ўз билимларини ҳам оширмоқдалар. Фабрикадаги мавжуд бешта сиёсий ўқув кунидеб эълон қилинган. Комсомол ёшларимиз шу кунларда доҳийнинг «Нима қилмоқ керак», «Ёшлар союзининг вазифалари», «Давлат ва революция» асарларини ҳамда Ленин таржиман ҳолини ўрганмоқдалар.

Фабрикамизда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иши ҳам намунали йўлга қўйилган. «Бўлажак жангчи университети» ёшларимизни оталар жасорати билан мунтазам равишда таништириб боряпти. Жангчи ва офицерлар билан бўлаётган учрашувлар ёшлар қалбида ўчмас из қолдирмоқда.

Фабрика партия комитети комсомоллар активлигини янада ошириш, ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш учун курашиб, ўз йиғилишларида комсомол комитети ишини тез-тез муҳокама қилиб боряпти. Бундай муҳокамаларда коммунистлар комсомоллар учун қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бермоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўққи, коммунист ва комсомолларимиз бир сафда туриб, беш йилликни меҳнатда зўр муваффақиятлар билан якунлайдилар.

Т. АҲРОРОВ,
Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретари.



БУГУН Москвада ВЛКСМнинг XVI съезди ўз ишини бошлайди. Съездда областимиз саноат корхоналари, колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган ёшларнинг илғор вакиллари ҳам иштирок этадилар. Суратда: съезд делегатларидан (биринчи қаторда) Т. Ҳожикматова, У. Зияева, О. Грачева, Б. Раҳмонова, (иккинчи қаторда) А. Омонбоев, В. Одилов ва М. Ҳантов ўртоқларини кўриб турибсиз.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг „КОММУНИЗМНИ ЁШЛАР ҚУРАДИ“ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий нашриёт КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларидан иборат тўпламни нашр этди. «Коммунизмни ёшлар қурадн» номли бу тўпламга киритилган материаллар КПССнинг коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишдаги, жаҳон социалистик системасининг, халқаро коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлашдаги катта назарий ва амалий фаолиятини акс эттиради.

Тўпламдаги материалларда КПССнинг Совет Иттифоқи ва совет халқи ҳаётидаги раҳбарлик ва етакчилик роли ёритилади. Ленин комсомоли партиянинг ишончли резерви ва ёрдамчиси эканлиги кўрсатилади.

Бизнинг ленинча партиямиз ёшлар билан ишлашни революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми деб билади. Бугунги ёш авлод — мамлакатимизнинг келажагидир. Шу сабабли партия ва комсомол ёшларда марксча-ленинча дунёқарашни вужудга келтиради ва мустаҳкамлайди, уларни турмушнинг ҳамма ҳодисаларига синфий жиҳатдан ёндошадиган, коммунизм ишига садоқатли қилиб тарбиялайди. Л. И. Брежнев докладлари ва нутқларининг ВЛКСМ Марказий Комитети таклифига биноан нашр этилган тўплами мана шу мақсадга хизмат қилади.

(ТАСС).

Катта куч

Комсомол ташкилоти мактабдаги катта куч. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда ҳам комсомоллар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Аълочи, ташкилотчи ўқувчилардан 63 ўқувчи ВЛКСМ аъзолигига қабул қилинди. Бизда комсомоллар сони 126 кишига етди. Комсомол комитети турли кечалар ҳам ўтказиб туради. География, физика фанлари бўйича ўтказилган олимпиадаларимиз ўқувчилар билимлари намойишига айланди. География бўйича ўтказилган олимпиадада саволжавобларга кенг ўрин берилди. Химия фанидан ўтказилган мўъжизасиз-мўъжизалар кечаси мароқли ўтди.

Д. МАВЛОНОВА,
Октябрь районидаги Абдулла Набиев номли 193-мактаб комсомол комитетининг секретари.

ОҚ ЙЎЛ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педогогика институти физика факультетининг тўртинчи курс талабалари дорилфунунни битириш арафасида турибди.

Шу кунларда студентлар сўнгги давлат имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ичида аълоҳаҳолар билан ўқиб жамоат ишларида фаол қатнашаётган ёшлар беҳисоб. Дилором Пўлатова ана шулар жумласидан. У институтнинг комсомол ҳаётида актив қатнашиб, ёшларни аълоҳаҳолларга ўқиш билимдон бўлишга давват этиб келмоқда. Яқинда бу студент қизнинг қаётида унутилмас воқеа юз берди. Институт коллективи унга катта ишонч билдириб ВЛКСМ XVI съездига делегат қилиб сайлашди. Улар «Комсомольская правда» газетасининг степендианти, тиниббтинчимас Дилором билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Суратда Дилором Пўлатова физика лабораториясида амалий машғулот пайтида.

Р. НУРМАТОВ фотоси.

АРМУҒОН

Тенгдошларимизнинг кўпчилиги Олмалиқ кимё заводи қурилишида дастлабки малака ҳосил қилдилар. Ўзларини меҳнатда ва коллектив ишида кўрсатдилар.

Энди эса шу юбилей йилида яна бир зарбдор қурилиш — кўргошин-рух заводини барпо этишда қатнашаётирмиз. Йил бошиданоқ «Зарбдор қурилишда зарбдор суръат учун» шиори остида меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритиб келяпмиз. Ленинча синовлардан «аъло» ва «яхши» баҳолар билан ўтган бошқармамиз комсомол-ёшлари биринчи квартал планини 107 процент, тўрт ойлик топшириқни эса доҳий юбилейи кунида бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишди.

ВЛКСМнинг XVI съезди шарафига мусобақалашиб ишлаб яхшн кўрсаткичларга эришмоқдамиз.

Иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиш учун кураш ўзининг ажойиб самарасини берди. Бошқармамиз коллективи беш ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Деярлик барча комсомол-ёшларимиз ВЛКСМ съезди шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, Ленин комсомоли съездига муносиб армуғон тайёрладилар.

Фарида МАЛАБОЕВА,
«Алмаликсвинецтрой» трестига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг геодезист ёрдамчиси.



ВАСИЛА МУСЛИМОВА бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ВЛКСМ XVI съездини меҳнатда зўр муваффақият билан қутиб олдилар. Аҳил коллектив ой сайини смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чеварларининг ҳурматини қозонаяпти. Суратда: комсомол аъзоси В. Муслимова.

И. ШОИНҒОМОВ фотоси.

ГУЛНОРА

ЛАВҲА

Қуёш гоҳо булутлар орасига яшириниб, зум ўтмай яна нур сочади.

Қушларнинг ёқимли сайраши, узоқлардан кўза ташланиб турган сой, бир-бирига туташган сўқмоқ йўллар, ундан сал наридаги тепалик ортидан ям-яшил поёнсиз яйлов ястаниб ётади. Тепалик ён бағрида ўтлаб юрган колхоз молларини пастликдан элас-элас оқариб кўринаётган ферма биносини илғаш мумкин.

Ферма ёнидаги майдонда 18-19 ёшлар чамасидаги, юзлари баҳор қуёшида қорайган, сочлари чамбарак қиз сутдан бўшаган бидонларни чақчақлик билан юварди. Ёмғир томчилай бошлади. Қиз ҳавонинг бу қадар тез ўзгаришига кўникиб кетган бўлса керак, моллар ўтлаб юрган иккинчи тепаликка шошилди. Ёмғир унинг юз-кўзларига урилларди. Гулнора боқаётган яйловнинг сал пастроғидаги кечувда чўпонларга етиб олди.

Улар ҳам молларни фермага ҳайдашарди. Орадан икки соат ўтгач, қора булут тарқалиб, ҳаво очилиб кетди. Қуёш яна ўз нурини саҳийлик билан яйловга сочар, гиёҳларда қолган ёмғир томчилари қуёш нурида ялтираб жилва қиларди. Осмонда турли рангларда товланаётган камалак, тепаликда қип-қизил лолақизғалдоқлар...

Яйловнинг бу гўзал манзараси Гулноранинг қалбини кўринмас ип билан боғлаб, уни сеҳрлаб қўйгандек эди. У ўзича ўйланиб, ҳаёлга чўмди. Баъзилар ўзига эп билмаган бу касб негадир унга ҳеч туганмас куч бахш этгандек эди. Ҳаёл уни бир зум дастлаб фермага келган кунларга етаклади.

Саккиз йиллик мактабни тугатиб, кимдир ҳужжатларини билим юртига топшириб, келгусида мутахассис бўлишни орзу қилса, яна бошқалари ўқишни давом эттириш ҳақида тўлқинланиб сўзлашарди. Гулнора ҳам ўз орзусини дугоналарига сўзлаб берди. Бир неча қиз унга ажабланиб қаради. Кимдир унга эсизгина, шоҳодатнома, саккиз йил яхши, аъло баҳога ўқиб, энди фермага ишга кирасанми,—деб айтган сўзлари қаттиқ таъсир қилди.

Ойиси Ҳалима опа Гулноранинг бу ҳақдаги сўзларини тинглаб, қувонганидан кулиб қўйди: рост-да, яна саноқли кунлардан кейин ўзи пенсияга кетади, сигирларини кимга ишониб топширишини ўйлаб юрганда...

Шуларни эслаб, Гулнора кулиб қўйди. Секин-аста яйловга оқшом чўкди. Ферма қизлари сигирларни соғиб олиш учун тараддудга тушгандилар. Гулнора ҳам уларнинг даврасига қўшилди. Қизларнинг ҳазил мутойибалари эшитилиб турарди.

Гулноранинг соғувчиликка бўлган меҳрини уйғотишда онасининг таъсири катта бўлди. Ҳалима опа колхозда илғор сут соғувчилардан бири эди. Кўпинча Гулнора онаси билан фермага бориб, сут соғишни ўрганиб олишга тиришарди. Ҳалима опа ҳам ўз касбининг миридан-сиригача эринмай қизига ўргатарди. Йиллар ўтди. Гулнора мактабни тугатиб фермага ишга келди. Дастлаб унга ёш бузоқларни парвариш қилиш топширилди. Гулнора бу ишни кўнгилдагидек бажарди.

Кейинчалик унга 20 бош соғин сигир бериб қўйилди. Натижа ёмон бўлмади. Тўғри, дастлабки йили у бироз қийналди. Планни баржарса ҳам, ўзининг кўнгли тўлмади. Келгуси йили бундан ҳам яхши натижаларни қўлга киритишга аҳд қилиб ишлади. 1967 йили Гулнора ўз боқимидаги сигирлардан 30 тонна сут соғиб олган бўлса, 1968 йили 34 тоннага етказди. Ўтган йили уни фермадаги соғувчилар звеносига бошлиқ қилиб қўйишди. Гулнора дастлаб ўйланиб юрди, олдинлари фақат бир ўзини ўйларди, звено бошлиғи бўлгач илғорлар қаторига чиқиш осон бўлмади. У тажрибали соғувчилардан Анастасия Чудная ва сирдарёлик сут соғувчи Гулнора Ғаффороваларнинг иш тажрибаларини ўрганди. Шу йили колхоз сут топшириш планини муддатидан илгари ортиғи билан бажарди. Буларнинг ҳаммасида звено бошлиғи Гулноранинг ҳам ҳиссаси бор.

Гулнора Султонова фақат Ўржоникидзе районидаги Киров номли колхоздагина эмас, областимизда ҳам машҳур. Мана бир неча йилдирки, Гулнора планни ортиғи билан бажариб келади. У бошлиқ звенога эса 60 та сигир биркитилган. Звено кунига пландаги, 120 литр ўрнига ўз вақтида парваришлаш ва озиқлантириш эвазига 140-150 литрдан сут соғиб олишга эришмоқда. Звено аъзоларидан С. Олимхонова, Ч. Пардабоевалар кундалик ва ойлик планларни доимо ортиғи билан бажаришмоқда. Ўтган йили Гулнора ўзига бириктирилган 21 бош сигирдан пландаги 35 тонна ўрнига 37 тонна сут соғиб олди. Гулнора ҳозир 34-Ўржоникидзе кечки ишчи-ёшлар мактабининг 11-синфида ўқимоқда. Жамоат ишларида доимо фаол қатнашади. Яқинда уни пойтахтимиз Москвада бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ комсомолининг ўн олтинчи съездига делегат қилиб сайлашди. Бу уни янгиданянги зафарларга ундаяпти. Фермада унинг ташаббуси билан сут соғиш ва бошқа ишларни бажаришни механизациялаштириш туфайли ҳар бош сигирдан олинаётган сут миқдори сезиларли даражада ошди...

Ҳали яйловда тонг ёришганича йўқ. Фазодаги юлдузлар бир оз оқариб кўринади. Қиз жонланаётган табиат манзарасини ҳавас билан кузатаркан, ўзини жуда бахтиёр ҳис этарди.

М. АСАТОВА.



ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

ВЛКСМнинг XV съездида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ва уни механизациялашда комсомол-ёшларнинг актив иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди.

Бу борада колхозимиз комсомол-ёшлари ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Пахтачиликдаги асосий ишлар техника ёрдамида бажарилмоқда. Гектаридан олинадиган ҳосилдорлик ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда. Бунда комплекс механизациялашган комсомол-ёшлар звеноларининг роли катта бўлаётир.

Звено — хўжалигимиз марказий участкасидаги ёшлар коллективларидан бири. Биз ўтган йили механизацияга таянган ҳолда 55,2 гектар майдонда 38,1 центнердан хирмон кўтардик. Планда белгиланган 143 тонна ўрнига 210 тонна пахта олдик. Пахта етиштиришнинг ҳар бир босқичида — ерни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача машина ҳал қилувчи роль ўйнади. Машиналар билан ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосилни йиғиб олдик. Областда биринчи бўлиб планни бажардик. Ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича районда биринчи ўринни эгалладик.

Бу йил биз 55 гектар майдонга чигитни эрта муддатларда экиб, ундириб олдик. Шу кеча кундузда ғўза парвариши қизғин бормоқда.

Съезд шарафига социалистик мусобақани авж олдирганмиз. Бизнинг звено колхозимизнинг Неъмат Имомов бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси билан мусобақа боғлаган. Ўзаро мусобақа умумий юксалишимизга ёрдам бермоқда, яганалаш эрта тугалланди. Культивация ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда.

Биз юбилей йилида ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз. Бу аҳднинг уддасидан чиқиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

А. НУРОХУНОВ,
Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхози комплекс механизациялаштирган комсомол-ёшлар звеносининг бошлиғи.

ТАШАББУС КЕНГ ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ, ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИ, ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИ ҲАМДА ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ТАШАББУСИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.



Бу меҳнатсевар ишчилар беш йиллик юзасидан ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти. Суратларда: (юқоридан) пойтахтимиздаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чевари Ш. Назарова, Чирчиқдаги босмахона печатниги Д. Туланова ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Ленин юбилейи йили мусобақаси давом этяпти. Областимиз саноатчилари ва бинокорлари, транспортчилари ва алоқачилари беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини барвақт бажаришга, қўшимча кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариб Ватанга армуғон этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, область В. И. Ленин номли металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнаткашларининг беш йиллик топшириғи ва 1970 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган мажбуриятларини қизғин маъқуллади. Бу ватанпарварлик ташаббуси ҳозир ўлкамиз бўйлаб кенг қанот ёзмоқда.

Яқинда мухбиримиз ташаббускор корхоналардан бири — электрохимия комбинатида бўлиб, корхона касаба союзлари комитетининг раиси А. Сулаймонов билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида у қуйидагиларни маълум қилди:

Чирчиқ кимёгарлари қўли билан тайёрланаётган сифатли минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда қўл келмоқда. Пахтачилигимиз юксалган сари минерал ўғит ишлаб чиқариш ҳам ошиб боряпти. Бунга биз ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланиш, ускуналар оборотини тезлаштириш ва социалистик мусобақани намунали ташкил этиш туфайли эришмоқдамиз.

Юбилей йили бошиданоқ корхонамиз цехлари ва участкалари бўйлаб беш йиллик программасини муддатидан олдин ado этишга қаратилган мусобақа кенг қулоч ёйган эди. Ўтган тўрт ой мобайнида социалистик мусобақа ажойиб самаралар берди. Тўрт ойлик план 27 апрелдаёқ бажарилди. Комбинатимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейи фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 20-цех, 53-цех, метан конвенцияси цехи эса участкалараро бошланган мусобақада олий ўринни эгаллаб шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг фахрий ёрлигини қўлга киритдилар.

Доҳий туғилган кун — 22 апрелда карбамид цехида Улуғбек Ҳамидов бошлиқ смена аъзолари меҳнат қилишди. Бу коллектив йил бошидан бери планга қўшимча равишда 280 тонна сифатли ўғит ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган эди. План шу куни салкам 2 ҳисса қилиб бажарилди. Аммиак селитраси цехида ҳам ишлар жадал давом этди. Цех коллективи йил бошидан қўшимча юзлаб тонна ўғит ишлаб чиқарган эди. 22 апрель куни яна икки вагон ўғит кўзланганидан кўпроқ тайёрланди. Бу муваффақиятни қўлга киритишда Т. Текенов бошлиқ смена аъзолари алоҳида ҳисса қўшишди. Темир йўл цехининг Т. Солиҳов бошлиқ сменаси эса шу куни планни 223 процент қилиб бажарди.

Социалистик мусобақада ўзини кўрсатаётган бундай меҳнатсеварлар корхонамизда оз эмас. Кўплаб ишчиларимиз ўз касбининг устаси, коммунистик меҳнат зарбдори деган номларни олиш учун интилмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойларида 120 киши ленинча беш йиллик зарбдори номига сазовор бўлди. 20 кишининг номи комбинат фахрий китобига ёзилди. 32 кишининг портрети корхона ҳурмат тахтасига қўйилди. Ҳозирги кунда 17 цех, 168 бригада ва смена коммунистик меҳнат коллективи, 3062 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган номга яраша меҳнат қиляпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархни арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш учун бошланган курашда бу жонкуярдар олдинги сафларда бормоқдалар.

Шуниси қувончлики, социалистик мусобақада коммунистлар ҳам, партиясизлар ва комсомоллар ҳам бир кишидек актив иштирок этмоқдалар. Корхонамиз комсомоллари техника тараққиёти учун курашда айниқса зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Ҳар учинчи комсомол рационализатордир. Ўтган ойларда Ғайбулла Жўраев, Абдусаттор Ҳайитбоев, Валерий Корнюхин каби илғор ёшларимиз қатор таклиф билан чиқдилар. Бу борада метан конверсияси цехи ёшларининг ташаббусини ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Цех ёшлари ишлаб чиқаришда илғор бўлиш билан бирга ўз билимларини ҳам ошириб бормоқдалар. Ҳозир 13 киши олий ўқув юртлари ва техникумларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тамомлаяпти.

Доҳий юбилейини мана шундай қувончли натижалар билан кутиб олган комбинат кимёгарлари энди ўз диққат ва эътиборларини резервлардан унумли фойдаланган ҳолда йиллик топшириқни ҳам муддатидан олдин ado этишга қаратмоқдалар. Коллективимиз минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича белгиланган беш йиллик планни 7 ноябргача бажариш ва қўшимча тарзда 334 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилган. Айни пайтда биз меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳам курашамиз.

1965 йилдан 1969 йилгача корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 27,5 процентга ортди. Шу муддат ичида меҳнат унумдорлиги 30 процентга кўтарилди. Янги техникани жорий этиш, меҳнатни намунали уюштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини яна 5,2 процент оширишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада бизга рационализаторлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Уларнинг тушаётган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиб 1970 йилда 550 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрамиз. Меҳнатни илмий ташкил этиш планларини амалга оширишдан 100 минг сўмлик хомашё ва ресурслар тежаб қолинади.

Комбинатимиз катта даргоҳ. У йил сайин кенгайиб кучига куч қўшилиб бормоқда. Бу йил яна қатор қувватларни ишга туширищ ва мавжудларини реконструкция қилиш ниятидамиз. Учинчи квартал мобайнида кучсиз азот кислотаси цехининг битта абсорбция колоннаси реконструкция қилинади. Маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган ускуналар ўрнатилади. Бошқа соҳаларда ҳам мана шундай тадбирлар амалга оширилади. Буларнинг ҳаммаси беш йиллик топшириғини муддатидан олдин ado этиш учун хизмат қилади.

Беш йилликни барвақт якунлар юзасидан коллектив зиммасига олинган янги мажбурият Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Бундан буён биз Ленин юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақани давом эттириб, эл-юрт олдида берган сўзимизнинг устидан чиқиш учун бор имкониятларни ишга солаверамиз.

●

Областимиздаги тўрт корхона коллективининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси барча қаторн «Октябрь 50 йиллиги» номли 2-автомобиль ремонти заводи меҳнатсеварларини ҳам янги марраларга руҳлантирмоқда. Бу ерда ишчилар ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Шлифовкачи Геннадий Пешков ҳамкасблари ўртасида муносиб эътибор қозонмоқда. У зиммасидаги топшириқларни бир ярим ҳиссага етказиб бажараётир.

Л. Глауберзон фотоси.



МАШЪАЛ

Ўша воқеа сира унинг эсидан чиқмайди. Тошкентдаги экскаватор заводига янги ишга келган кунлари бошқа осмонда, қалбида кўтаринки ҳислар жўш урарди. 14-ҳунар-техника билим юртини аъло тугаллаганларидан бири Усмон эди-да! Билим юрти мастери Виктор Ивановичнинг унга жуда ишончи зўр эди.

— Сендан яхши ишчи чиқади, Усмон, ҳозирданоқ қўлинг ишга келиб қолди. Муҳими — зийраксан, ҳар қандай деталнинг жонини киритасан, — шундай деб у табассум билан боқиб қўяр эди.

Ҳозир ҳам Усмон унинг табассумини кўриб тургандай.

Аммо, ўқиш бошқа, иш бошқа экан. Усмон тоҳида шоир Шайхзоданинг «Ўқишдан минг «беш» ол, ҳаётда «беш» ололмасанг бекор» деган мисраларини эслаб қўярди. Ҳаёт! У ҳам Усмон ҳаёлида чаманзордай чиройли, океандай кенг, афтобдай иссиқ...

— Ёш ишчилар бизга жуда зарур, — дейишди корхона маъмурияти да унга, — аммо бирон-ярим йил шогирд бўлиб ишлашингиз, кўзингизни пишитишингиз керак.

Усмон ҳаёлида: «Оббо, чучварани хом санаб юрган эканман-у, ҳали-бери мустақил деталь тайёрламас эканманда» деб ўйлади. Бахтига, унинг устози заводнинг тажрибали ишчиси Виктор Докукин анча шинаванда киши чиқиб қолди. Усмон кўп ўтмай қайноқ ўқиш йилларини, ёшлик-ғўрлик дегандай бироз ҳовлиқишларини унута борди.

Унинг қўлидан чиққан деталлар гўё наққош қўли теккандай ярақлаб, барчанинг ҳавасини тортарди. Ҳатто устози Докукин ҳам детални қўлига олиб, узоқ айлантирар, Усмоннинг қобилиятига юрак-юрагидан қувонарди.

Ҳозир ўйласа, Усмон чакана цехга ишга кирмаган экан. Асбобсозлик цехи! Бу ерда энг ажиб ҳодиса, шуки, корхонада 20—30 йил ишлаган, суяги шу заводда қотганлар меҳнат қилади. Мана, Василий Насеткин, Анатолий Просодов, Николай Булагин... улар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Усмоннинг ўзидан беш-олти кўйлакни ортиқ кийган бундай ишчилар билан ишлаши бежиз эмас, албатта.

Бекиёс бир нарсани эса

Беш йиллик зарбдорлари

олдик. Йил бошидан бери корхонада ишчи-ёшлар чемпионати давом этиб келаётган эди. Унда ҳамма комсомоллар иштирок қилишди. Аъло маҳсулот ишлаб чиқариш ойлик топшириқларини барвақт ado этиш учун олиб боришган бу ўзига хос мусобақа кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлди. Ҳар ой, ҳатто ҳар ҳафта якуни чемпионатда қатнашаётган ёшларни ҳаяжонлантирар, уларни янги марраларга илҳомлантирарди.

Доҳиимиз В. И. Ленин юбилейи арафасида мусобақа якунланди. Усмон ишчи-ёшлар чемпионатида олдинги ўринлардан бирини эгаллашга муяссар бўлди. Шу-шу уни фақатгина цехдагина эмас, корхонада ҳам барча самимий ҳурматлайдиган бўлиб қолди.

Мабодо, Усмон Жалоловнинг ўзидан бундай муваффақиятга қандай эришяпсиз, деб сўрасангиз, у соддалик билан елкаларини қисади, холос. Аммо, сиз унинг камтарона сўзларига эмас, кенг елкаларига, кўзларидаги ўтга, бутун вужудидаги ишончу иродага диққат қилинг. Ёшлигини ажойиб, шарафли ишчи касбига бағишлаган бу йигитнинг тез орада оддий шогирдликдан малакали ишчи даражасига етишгани «сирлари»ни пайқаш қийин эмас. Мана, унинг ўзи нималар дейди:

— Цехимиз ишчилари билан ака-ука бўлиб кетганмиз. Ютуқларимиз сири шунда бўлса керак. Сеники-меники қилиб ўтирмаймиз. Бирон детални тайёрлашда ҳамроҳимиз қийналиб қолса дарров ёрдам бериб юборамиз, тоҳида унинг ўрнини ҳам билдирмаймиз. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарамиз.

Цех бошлиғи Михаил Минкович билан суҳбатлашганимизда у:

— Мен илғор ишчиларни алоҳида ажратиб кўрсатмайман, сабаби — ҳамма бирдек ишга жон қўйдиради, — дейди. Минкович коллективнинг бунчалик уюшқоқ ва аҳиллигига ажабланмасак ҳам бўлади. Чунки у 36 йилдан бери фақат шу асбобсозлик цехида мастер, бригада бошлиғи, 20 йилдан бери эса цех раҳбари бўлиб келмоқда. У пенсияга узатилган бўлса ҳам қадрдон коллективидан ажралгиси келмади, улар билан меҳнат гаштини сурядти.

— Цехимизнинг дастлабки кварталда корхонада биринчи ўринни эгаллашида, ойлик топшириқларини доимо ошириб бажаришида Усмоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди гурур билан цех бошлиғи. — коллектив бир узук бўлса, Усмон унинг кўзи! Чинакам машъаламиз у.

Усмон Жалолов ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигит. Илк қадамидаёқ шунчалик корхона аҳли муҳаббатини қозонибдими, ундан кўп нарса умид қилсак ярашади.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ПРАГА, (ТАСС). Праганинг ҳушманзара районларининг бирида қурилаётган болаларни даволаш комплексининг қуриб битказилган биринчи қисмини давлат комиссияси қабул қилди. Медицина техникасининг энг сўнгги муваффақиятлари асосида жиҳозланган касалхонанинг ўн беш қаватли бош корпуси тез орада беморларни даволашга киришади.

ЧССР партия ва ҳукумати меҳнаткашларнинг саломатлиги тўғрисида зўр ғамхўрлик қилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва медицина хизмати кўрсатиш даражаси жиҳатидан мамлакат дунёдаги олдинги ўринлардан бирида турибди. Шаҳар ва қишлоқларда янги поликлиникалар, касалхоналар ва шифохоналар қад кўтармоқда, мавжудлари кенгайтирилиб, замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Чехословакияда яхши ривожланган фармацевтика саноати ва медицина асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Медицина кадрлари тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Медицина институтларини битириб чиққан кўпгина кишилар ва мутахассислар Совет Иттифоқида, бошқа социалистик мамлакатларда ўз малакаларини оширмоқда.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

КЕСКИН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

БЕЛГРАД

Югославия коммунистлар союзи ва Италия Коммунистик партияси Камбоджа территориясида АҚШ қўшинлари ва АҚШ иттифоқчилари қўшинлари агрессиясининг кенгайтирилиши ва урушнинг кучайтирилишини кескин суратда қоралямоқдалар. Италия Коммунистик партияси делегацияси билан Югославия коммунистлар союзи делегацияси ўртасида Белградда олиб борилган музокаралар ҳақида ТАНЮГ агентлиги тарқатган қўшма ахборотда шу ҳақда гапирилади. Ҳар иккала партиянинг вакиллари Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг империалистик агрессияга қарши, озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаҳрамонона курашн билан бирдам эканликларини яна таъкидлайдилар. Америка қўшинларини АҚШ иттифоқчиларининг қўшинларини бу мамлакатлардан сўзсиз олиб чиқиб кетиш, деб уқтириб ўтилади ахборотда, Ҳинди-Хитой проблемасини тинч ҳал этишнинг энг муҳим шартидир.

ЛОНДОН

Британия тред-юнионлари конгрессининг маҳаллий бўлимлари мамлакатдаги қарийб 9 миллионли ана шу касаба союз бирлашмасининг барча аъзоларини Англия ҳукуматининг Вьетнам ва Камбоджадаги АҚШ агрессиясини қўллаб-қувватлашига қарши норозилик билдириш учун амалий чоралар кўришга чақиради. Уэлвин гарден сити (Хартфордшир графлиги) шаҳри касаба союзлари кенгаши Британия тред-юнионлари конгрессига мурожаат қилиб, уни Вильсон ҳукуматини «Никсон режимининг агрессиясини кўр-кўрона қўллаб қувватлаш»ни тўхтатишга мажбур этмоқ учун бутун мамлакатда норозилик куни ўтказиш, корхоналарда забастовкалар ва бошқа оммавий чиқишлар уюштиришга чақирди.

БОГОТА

Колумбиянинг тараққийпарвар жамоатчилиги Америка империалистларининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив ҳаракатларини қоралямоқда. Колумбия коммунистларининг «Вос пролетариа» газетаси жамоатчилик фикрини кенг кўламда сурштириб билганидан кейин хулоса чиқарди. Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Эрнандо Уртадо савол-жавобларнинг якунларини тўплаб, қуйидагиларни таъкидлади: Америка қўшинларининг Камбоджага бостириб кирганлиги «АҚШ империалистларининг асил ниятларини яққол кўрсатади. Никсоннинг риёкорлик билан айтган сохта гапларини фош қилиб ташлайди, Пентагон Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш ниятида эмаслигини исбот этади».

КАРОЧИ

Покистон халқ партияси Карочида Америкаиинг Камбоджадаги агрессиясига қарши норозилик намойиши ўтказди. Намойишчиларнинг колонналари шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар. Халқ партияси Карочи ташкилотининг раиси митингда нутқ сўзлаб, Америкаиинг ҳамма қўшинлари дарҳол Камбоджадан олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилди.



ГДР. Совет, немис пионер ва комсомоллари Берлиндаги Трептов хиёбонида Совет жангчиларига ўрнатилган ёдгорлик ёнида.

АДН — ТАСС фотоси.

БОЛГАРИЯДАГИ ТАНТАНАЛАР

СОФИЯ, 25 май. (ТАСС). Славян ёзувчи, маорифи ва маданияти куни муносабати билан бу ерда байрам намойиши бўлиб ўтди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳозир бўлган Г. Димитров мавзолейи минбари ёнидан мактаб ўқувчи ва студентлари, маориф ходимлари, маданият ва санъат арбобларининг колонналари ўтди. Намойишчилар социалистик Болгариянинг маданий қурилишдаги муваффақиятларини шарафловчи шиорлар ёзилган транспарантлар ва байроқларни кўтариб ўтишди.

Намойиш охирида 9-сентябрь майдонида халқ рақсининг катта концерти бўлди. Концертда бадиий ҳаваскорлигининг энг яхши коллективлари қатнашди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 25 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Куангчи вилояти жанубий қисмида ҳаракат қилаётган жангчилари 1 майдан 17 майгача душманнинг 500 дан ортиқ солдатини сафдан чиқардилар. Бундан ташқари ватанпарварлар душманнинг учта самолётини уриб туширдилар. Бу хабарни Озодлик матбуот агентлиги тарқатди.



ТОШКЕНТДАГИ пахта тозалаш саноати марказий илмий-текшириш институти коллективи орасида Шоасқар Илҳомов муносиб обрў қозонган. Бу моҳир тонарь санкиз йилдан буён шу коллектив бағрида меҳнат қилиб келмоқда у шаҳар Советининг депутати ҳамдир. Суратда: ўртоқ Ш. Илҳомов ўз дастгоҳи ёнида.



ПАХТА тозалаш саноати марказий илмий текшириш институтида эксперимент тал пахта тозалаш заводи мавжуд. Ҳозир бу ерда турли-туман янги машиналар синаб кўрилмоқда. Аспирант Эрнин Мақсудов агрегат ишини синаб кўрмоқда.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.

ХУСН БАХШ ЭТУВЧИЛАР

Врач қабулхонасида навбат кутиб ўтирганлар суҳбатлашиб, поликлиникада хизмат қилаётган врач ва ҳамшираларнинг номини бир-бир тилга олишарди.

— Тошкент тўқимачилик комбинатида ўн беш йилдан бери машинистлик лавозимида ишлайман, — деди бемор Колесникова Устина Михайловна. — Комбинат медицина-санитария қисмининг стоматологик бирлашмасига қатнаб, огриқ тишларимни даволатяпман. Бирлашма бошлиғи, тажрибакор врач Елизавета Ефимовнанинг хизматидан ниҳоятда мамнунман.

— Елизавета Ефимовнанинг енгил қўл, тажрибакорлигини айтмайсизми, — гапга қўшилди бемор Причиненко Антонина Сафроновна, — зирқираб турган тишни огритмасдан даволайди.

— Беморларнинг иззат-ҳурматига сазовар бўлиш, уларнинг ишончини қозониш шифокор учун катта бахт, — дейди медицина-санитария қисмининг бошлиғи Акром ака Камолов. — Коммунист врач Елизавета Ефимовна Хрустова бу ерда ишлаётганига йигирма йил бўлди. Унинг ишидан нолиган, муомаласини ёмонлаган биронбир киши бўлмаган. Елизавета Ефимовна талабчан ва меҳрибон устоз. У бошлиқ стоматологик бирлашма комбинат ишчи-хизматчилари ўртасида катта ҳурмат қозониб келмоқда.

Жлобин шаҳри Белоруссиянинг энг кўркам баҳаво, қуюқ ўрмонзори яқинида жойлашган. Еленанинг ёшлиги ана шу кўм-кўк, шинам шаҳарда ўтди. Тўққиз ёшида Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган немис босқинчиларининг азобуқубатларини бошидан кечирди, қадрдон отасини армияга узатиб, онаси билан Чувашистоннинг Канаш шаҳрига йўл олди. Орадан кўп ўтмай Белоруссияни немис солдатлари босиб олгани ҳақида хабар келди. Еленанинг отаси 1944 йилда жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Елена онаси билан қолди. Бироқ у ташкунликка тушмади. У ёшлигидан орзу қилган шифокорлик касбини эгаллаш мақсадида Ленинград-шаҳрига келиб, медицина-стоматология институтига ўқишга кирди.

Елена ўз бахтини шу ерда топди. Курсдоши — ленинградлик Виктор билан ўқишни бирга муваффақиятли тугатиб, оила қуришди. Тақсимот комиссияси уларни Ўзбекистонга ишга юборди.

Елена Тошкент тўқимачилик комбинатидаги стоматологик бирлашмада дастлаб тиш доктори бўлиб ишлай бошлади. Орадан кўп ўтмай уни бирлашмага бошлиқ қилиб тайинлашди. Ёш, тадбиркор врач тиш даволаш бирлашмасини оёққа турғазишда анча машаққат чекди. Кабинетларда медицина асбоблари етишмас, устига-устак малакали врачлар кам эди. У комбинат ҳовлисидаги барча фабрикаларни айланиб чиқиб, ишчилар билан суҳбатлашганида улар тиш даволаш хоналари йўқлигидан нолишарди.

У ишни фабрикаларда шундай хоналарни ташкил қилишдан бошлади. Комбинат директори, партия ташкилотининг секретари ёрдам қўлини чўзишди. Дастлаб битта, кейин бошқа фабрикаларда ҳам медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тиш даволаш хоналари очилди. Эндиликда бу ерда врачлар — Иқбол Раҳматова, Анна Робарт, Анатолий Когонь ва Фаина Гроновскаялар ишлашади.

— Стоматологик бирлашмада кўп йиллардан бери протез лабораторияси ишлаб турибди, — дейди шу лабораториянинг бошлиғи Ашот Арзуманов. — Эндиликда синган тишларни улаш, ясама тишлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни шу ернинг ўзида бажармоқдамиз. Лабораторияни ишга туширишда Елизавета Ефимовнанинг хизмати каттадир.

Шифокор аёл ташкилотчилиги билан ҳам ҳурмат қозониб келмоқда: икки йилдан бери медицина-санитария қисми партия ташкилотининг секретари. 52 коммунист билан корхона коллективига медицина хизматини янада яхшилаш, даволашнинг янги томонларини ахтариш устида тинмай изланмоқда...

Елизавета Ефимовна ишдан чиқиб, партия бюроси хонасига кириб ўтирганди, ичкарига врачлардан Ҳамида Гушарова ва Шоҳида Аъзамовалар кириб келишди.

— Эртага партия мажлиси бўлади, — гап очди партком секретари. — Муҳим масалаларни кўриб чиқамиз. Сизларни партия сафига қабул қиламиз. Савол-жавобларга тайёрмисизлар?

— Бюро аъзоларидан Белла Завалина ва Бананд Еналневалар бизлар билан суҳбат ўтказишди. Саволларга қониқарли жавоб бердик, — деди Шоҳида.

— Чақиртиришимдан мақсад шуки, партия Устави, съезд материаллари, тарихий ҳужжатларни яна пухта ўрганинглар. Ер куррасида юз бераётган халқаро воқеалардан хабардор бўлинглар.

— Вақт ҳам кеч бўлди, уйга биргалашиб кета қолайлик, — гап очди Ҳамида.

— Йўқ, синглим, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Эртанги мажлисга доклад тайёрлаяпман. Сўнгра комбинатга киришим керак. Фабрикалардаги тиш хоналаридан хабар олишим керак.

У фабрикалардаги тиш хоналарини бирма-бир айланиб чиқиб, комбинат дарвозаси олдида ўғлини учратиб қолди.

— Кеч қолганингизга хавотирланиб келдим, — деди Борис. — Ишингиз тугагандир?

— Ҳа, албатта. Энди уйга кетсак бўлади.

Она ўз ўғлига бугунги қилган ишлари ҳақида гапириб борарди.

Стоматологик бирлашмада касбига меҳр қўйган, комбинат ишчиларига намунали медицина хизмати кўрсатаётган шифокорлар кўп. Биринчи категорияли врачлардан Валентина Киселева, Люба Болотова, Миразиз Мирбобоев, Юрий Авезов, тиш доктори Мария Кормашева, Анна Кондратьева, болалар бўлими бошлиғи Клара Юсупова, ҳамширалардан Людмила Лихолой ва Катя Шукурова хизматидан ҳамма мамнун бўлмоқда.

И. ЮСУПОВ.



СУРАТДА: Елизавета Ефимовна Хрустова (ўртада) стоматологик поликлиника шифокорлари А. Г. Кондратьева (чапда) ва В. И. Кисе лева билан суҳбатлашмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР

У кишини «Саид домла» дейишарди. Замонининг тушунган, илм-фанга ўч, ғайратли кишиларидан эди. талабаларнинг тиббий фанлардан хабардор бўлишларини истарди. Шунинг учунми, 1906—1907 йиллардан бошлаб ўқувда янгича усул қўллай бошлади.

Жўғрофия дарсида деворга харита осиларди, эшик тагида эса, биров кириб қолмасин, деб ўқувчилар навбатчилик қиларди.

Кўп ўтмай Саид домланинг «сир»и очилиб, катта жанжалга сабаб бўлди. Ҳайтовур унга хайрихоҳ кишилар ҳам топилиб қолди. Маҳалладаги бир камбағал якка синчдан кўтарилган мўъжазгина болохонасини мактабга берди. Қийшайиб ётган эшикни бир амаллаб тиккайтириб қўйишди. Аста-секин талабалар яна йиғила бошлади. Таъқиб кетидан таъқиблар бошланди. Бироқ домла йўлидан қайтмади.

Инқилоб туфайли унинг кўкрагига шамол тегди. Маҳалладаги Усмонбойнинг ҳовлиси мактабга олиб берилди. Синфга парталар қўйилди. Деворга доска осилди. Саид Мусаев мактабга мудир қилиб тайинланди. У маҳалладаги яна икки мактабни янги усулда ўқитишга тортишга муваффақ бўлди.

...Чигатойдаги 111-мактабда катта тантана. Коллектив энг кекса тарбиячиларни пенсияга узатмоқда. Улар — тўрт киши. Тўртовлон — тўрт олам. Тўрда ҳали ҳам тетик, хушчақчақ, тўладан келган, қўнғир сочли бир киши ўтирибди. Бу одам 1917 йилдаёқ совет мактабларини ташкил этишда фаол иштирок этган, ўша пайтда Тошкентнинг тўрт даҳасига таниш Саид домланинг ўғли Абдулҳақ Сандов бўлади.

Отанинг меҳнаткаш, янгиликпарварлиги ўғил истакларига қанот бағишлади. Дастлаб отанинг қўлида таҳсил олди. 1925 йил Тошкентдаги тиббий техникумга кириб ўқиди. Диплом олгач, Хоразмга бориб, Гурлан районидаги дорихонада ишлади. Айни вақтда саводсиз ва чала саводлар курсини бошқарарди. Орзу уни САГУнинг кимё факультетига етаклади. Ўқиш билан бирга 5-хотин-қизлар педагогика билим юртида кимё фанидан дарс берди. 1936 йил олий ўқув юртини битириб, ўқитувчилик қила бошлади. Саводсизликни тугатиш, коллективлаштириш, маданий инқилобни амалга оширишда ҳам фаол қатнашди.

Партия ва ҳукуматимиз Абдулҳақ Сандовнинг жамоат ишларида актив қатнашгани, кўпйиллик ва самарали педагогик фаолияти учун кўп марта тақдирлаган. Унинг кўкрагини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари, «Халқ маорифи аълочиси» значоги безаб турибди. Кўп марта ҳукуматимизнинг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига эга.

Юбилярлар стулида мактаб коллективининг энг ҳурматли кишиларидан Жўра ака Шермуҳамедов ҳам ўтирибдилар. Жўра аканинг худди шу мактаб остонасига қадам босганига қирқ йилдан ошди. У Совет ҳукуматини тиклашда жон фидо қилганлардан. Мактабда ишлар экан, бор ғайратини ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ишига сарфлади. 1942 йил Ватан чақириғи билан жангга отланди. Курск ҳалқасида жанг қилди. Жангчи-педагог «Қизил Юлдуз» ордени ва уч медаль кавалери бўлди. Жангларнинг бирида оғир яралар бўлиб Тошкентга қайтиб келди. Кейин яна ўқитувчилик касбини давом эттирди.

Бугун уни кўпсонли шогирдлари— профессор Жалол Маҳсумов, фан кандидатлари Ҳамидулла Умаров, Одил Пўлатов, Анвар Шомақсудов, Фаёз Мусаев, Абдулҳамид Ғафуров ва бошқалар самимий табриклашмоқда.

Жўра ака ўрнига ўтирар экан, зални гулдурос қарсаклар тўлдиради. Чеҳраларида табассум тараннум этади.

Шу пайт деразадан эсган майин шабада хонага ёқимли гул ҳиди-ю, боғнинг салқинини уфурди. Шу вақт ҳамманинг кўзи тўрда ўтирган Олтинбой ака Икромовга тикилгандай бўлди. Олтинбой ака кўп йиллардан бери мактабнинг боғига қарайди. Тўғрироғи боғнинг гули-ю, дарахти унинг қўлидан баҳра олиб ўсади. Ўз қўли билан қанчадан-қанча мева-ю, гул эккан. Бугунги тўй сабабчиларидан бири Олтинбой ака. У йигирма беш йил ҳалол меҳнат қилди.

— 1931 йили шу мактабга ишга келгандим,— эслайди яна бир юбиляр Марзия Лутфуллаева.— У вақтдаги қийинчиликлар энди орқага қолди. Кўркам синф хоналари, тўкис ўқув жиҳозлари таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашга имкон берди.

Ҳа, Марзия опа ҳам катта тажрибага эга бўлган моҳир педагог. У раҳбарлик қилаётган синф кўп йиллардан бери тўлиқ ўзлаштириш бермоқда. Шу билан бирга Марзия опа ўз ўғил-қизларини ҳам илм чўққиларини эгаллашида парвона бўлди. Унинг катта қизи Москвадаги катта шифохонада хирург, иккинчи қизи Кимё-технология институтида дарс беради. Ўғли эса «Средазпроектмонтаж» ташкилотида ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи.

Тантана давом этади. Шогирдлар устозларни табриклайдилар. Ҳалол меҳнат билан обрў ва шараф қозонганларни қизғин қутлайдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

Спорт

МЕКСИКАДА КИМЛАР ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

IX жаҳон чемпионати финалида совет спортчи шарафини 22 спортчи ҳимоя қилади. Булар чемпионатда ўйинда қўлга киритган ўринларига қараб қуйидагича тақсимланади: 1. Леонид Шмуц, 2. Анзор Кавазашвили, 3. Валентин Афонин. 4. Реваз Дзодуашвили. 5. Владимир Капличний. 6. Евгений Ловчев. 7. Геннадий Логофет. 8. Муртаз Хурцилава. 9. Альберт Шестернев. 10. Валерий Зиков. 11. Кахи Асатиани. 12. Николай Киселев. 13. Лев Яшин. 14. Владимир Мунтян. 15. Виктор Серебряников. 16. Анатолий Бишовец. 17. Геннадий Еврюжихин. 18. Слава Метревели. 19. Гиви Нодия. 20. Анатолий Пузач. 21. Виталий Хмельницкий. 22. Валерий Поркуян.

Бу футболчилар СССР футбол федерацияси жаҳон чемпионати ташкилот комитети адресига юборилган охирги заявкага киритилган. (ТАСС).

* * *

Олий лига командалари ўртасидаги СССР биринчилиги мусобақасида Минск динамочилари пойтахтда москвалик клубдошларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Бу ғалабадан сўнг белорус командаси пахтакорчиларни ўн олтинчи ўринга суриб қўйди. Москванинг «Торпедо» ва Ростов армячилари учрашуви 0:0 ҳисобида тугади. «Нефтчи» — ЦСКА 1:2.

* * *

Англия терма командасининг биринчи состави Колумбияда бу мамлакат терма футболчиларини 4:0 ҳисобида енгди. Иккинчи составлар мусобақасида инглизлар 1:0 ҳисобида ғалабага эришишди.

●

ХАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР ОЛДИДАН

Самарқанддаги халқаро шашка турнирида кураш кескинлашди. Кечиктирилган ўйинлар давом эттирилганда Андрейко Куперман ва Шчеголев—Давидов учрашувлари дуранг бўлиб тугади.

Шундай қилиб, сўнгги тур олдидан пешқадамлар группасида вазият қуйидагича бўлди. В. Шчеголев — 7,5 очко, А. Андрейко — 7 очко, И. Куперман — 6,5 очко. Тошкентлик мастер С. Давидов Л. Ципес ва АҚШ чемпиони К. Смитда 6 тадан очко бор. Шунисн қизиқки, сўнгги турда Шчеголев ва Андрейко ўзаро учрашадилар. Биринчи шашкачи учун дуранг натижа кифоя бўлса, Андрейко ғалаба қозонган тақдирдагина биринчи ўринга чиқади.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

СОФИЯДАН МОСКВАГАЧА ЯЁВ

Болгария пойтахти аҳолиси 3 март куни «Отечествен фронт» газетасининг журналисти, болгар партизанининг ўғли Христо Радонскийни Софиядан Москвага шўёба сафарга кузатиб қолди.

«Неделя» мухбири А. Данилович саёҳатчини Одессада учратиб, у билан суҳбатлашди.

— Ёшим 28 га тўлди, — деди Радонский — туғилган кунимни СССР га чегарадош бўлган Русе шаҳрида кутиб олдим. Измаил, Одесса шаҳарларидан кейин, Севастополь, Таганрог, Ростов-Дон, Волгоград шаҳарлари билан танишаман. Шу йилнинг 4 ноябрида В. И. Ленин мавзолейи ёнида ўз сафаримни якунлайман. Яёв юришдан мақсадим — қардош совет халқи ҳаёти билан яқиндан танишиш, ўз таассуротларимни ўз юртимга қайтгач, ватандошларимга сўзлаб беришдир.

Саёҳатдан олган биринчи таассуротларим тўғрисидаги материалларни «Отечествен фронт» газетасига ёзиб юбордим.

«НЕДЕЛЯ»ДАН



Пушкин ва 1-Май кўчалари кесишиб ўтган чорраҳада янги очилган болалар дунёси магазинидан фарзандларингиз учун истаган ўйинчоқларингизни сотиб олишингиз мумкин. Суратда: магазин ходимлари кичик харидор истаган машиначани кўрсатмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АСБЕСТДАН ҚОҒОЗ

Бобровскидаги асбест заводида мамлакатимизда биринчи бор 0,1 миллиметр қалинликда асбестдан изоляцион қоғоз олинди. Янги қоғоз слюдадан олинувчи қоғозга нисбатан анча арзон бўлиб, чиримайди ва микроорганизмлар таъсирга берилмайди. Асбестдан олинган изоляцион қоғоз саноат ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилиши мумкин.

БУҒДОЙ БОШОҚЛАРИНИНГ ҒОВЛАШИГА ҚАРШИ

Буғдой ва бошқа бошоқли ўсимликларда ўстириш гормони — ауксининг кўпайиб кетиши натижасида бу ўсимликлар ғовлаб кетади, натижада улар кўпинча ётиб қолади. Бу ўз навбатида донни йиғиб олишни қийинлаштиради ва ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Литва биохимиклари бунинг олдини олиш мақсадида кимёвий моддалардан фойдаланиш мумкинлигини исботладилар. Улар таклиф қилган химиявий бирикма, дарҳақиқат донли ўсимликлар бошоқларини ётиб қолишдан сақлаши амалда исботланди. Бундан фойдаланилганда республика хўжалиги 80 минг тонна қўшимча дон олади.

К. АҲМЕРОВ, кимё фанлари кандидати, доцент.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.40 — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатувлар программаси. 18.35 — Усмирлар учун. «Орзу» программаси (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Телеянгиликлар. 19.40 — Индустриямизнинг янги қурилишлари. 20.00 — Ёзувчилар ўз қаҳрамонлари ҳақида. 20.30 — Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.40 — Телеянгиликлар. 20.55 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 21.55 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 22.25 — Созанда мураббий. Абдусамад ИЛЕСОВ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 — Биринчи синф ўқитувчилари учун консультация. 18.30 — Абитуриентлар учун физика.

19.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «НОТ инсонга хизмат қилади» (Кинофильм). 20.30 — «Атоқли созандалар». Д. ТАРТИНИ.

Рус тилида: 21.10 — Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ. «Очилган қўрин». (Бадиий фильм, биринчи серия).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/V да Риголетто, 27/V да Чио-Чио-Сан, 28/V да Ойжамол.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/Vда Замон драмаси, 27/V да Олтинчи июль.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/V да Кумуш тўй, 28/V да Фарғона тонг отгунча, 29/V да Қайнона.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

«АКВА» лойиҳаси (2 серия) — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қизларни ўғирлаш — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тўй — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Майли гапираверишсин — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 2,15, 5.30, кеч 8.30 минутларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)

«АКВА» лойиҳаси (2 серия) — ТЕЛЬМАН номли, «ФЕСТИВАЛЬ». Майли гапираверишсин — «ХЕВА».

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РЕСТОРАН ВА КАФЕЛАРИГА

официантлар, официантлар, буфетчилар, сотувчилар, ишдан товоқларни ювувчи ва йиғувчилар, фаррошлар

КЕРАК

Шунингдек, 18 дан 25 ёшгача бўлган (8-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган) йигит ва қизларни қисқа муддатли буфетчилар ва официантлар гайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 15-уй (7, 8, 10, 11 трамвайларнинг «Туркман бозори» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИНИНГ 4 АВТОБАЗАСИГА

3, 4, 5 разрядли автослесарлар, автослесарларга бригадир, металл қирқиш ускунаси ва гаражни тузатиш бўйича слесарлар, 1, 2, 3 класс шоферлари

КЕРАК

Тузатувчи ишчилар кунига бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади.

Ёлғиз кишилар: Тошкент шаҳрида пропискадан ўтказилиб ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, тўёна кўчаси, 205-уй.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Г. 1652. — Р — 01526.